

## ТУРКИСТОНДА ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ИЖТИМОЙ ҲАЁТИГА ОИД МАСАЛАЛАРНИНГ ЖАДИДЛАР ТОМОНИДАН ЁРИТИЛИШИ (XX АСР БОШЛАРИ)

**Гулмира Мардоновна ОЧИЛОВА**

тарих фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти  
Тошкент, Ўзбекистон  
[ochilovagulmira86@gmail.com](mailto:ochilovagulmira86@gmail.com)

### Аннотация

Мақолада XX асрнинг биринчи чорагида Туркистонда юзага келган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг хотин-қизлар ва ёшларнинг кундалик турмушига кўрсатган таъсири таҳлил қилинган. Масалани ёритишда асосан қиёсий таҳлил усулига таянган ҳолда бирламчи манбалардан фойдаланилган. Матнда жамият тараққиётининг асоси бўлган ёшлар ва хотин-қизлар турмушини яхшилаш борасида маърифатпарварлар томонидан билдирилган фикрлар баён этилган.

**Таянч сўзлар:** .ёшлар, хотин-қизлар, кундалик ҳаёт, оила, жадидлар.

## ОСВЕЩЕНИЕ ДЖАДИДАМИ ВОПРОСОВ ОБЩЕСТВЕННОЙ ЖИЗНИ МОЛОДЁЖИ И ЖЕНЩИН В ТУРКЕСТАНЕ (НАЧАЛО XX ВЕКА)

**Гулмира Мардоновна ОЧИЛОВА**

.доктор философии (PhD) по историческим наукам  
Институт истории Академии наук Республики Узбекистан  
Ташкент, Узбекистан

### Аннотация

В статье анализируется влияние общественно-политических изменений, произошедших в Туркестане в первой четверти XX века, на повседневную жизнь женщин и молодёжи. Исследование основано преимущественно на сравнительном анализе первоисточников. В статье рассматриваются взгляды джадидов-просветителей на пути улучшения положения женщин и молодёжи, которые являются важнейшей основой общественного развития и прогресса. Поскольку данная проблематика сохраняет свою актуальность и в настоящее время, особое внимание уделяется идеям просветителей относительно совершенствования социальной жизни молодого поколения и женщин.

**Ключевые слова:** молодёжь, женщины, повседневная жизнь, семья, джадиды.

XX аср бошларида ҳам Туркистон аҳолисининг турмуш тарзи бир неча асрлардан бери давом этиб келган анъаналар, яъни шариат ва одатларга асосланган эди. Шу билан бирга оилаларда диний қадриятларга асосланган жамоат тартиб-қоидалари устун бўлган. Эркак киши оила бошлиғи саналиб,

барча масалалар фақат у орқали ҳал этилган. Аёлларнинг уй-рўзгор юмушларини бажариши, фарзанд тарбияси билан машғул бўлиши жоиз саналган. Аёл кишининг жамоат орасида, кўча-куйда юзини очиб юриши, бегоналар билан мулоқотда бўлиши ман этилган.

Туркистондаги халқларнинг яшаш тарзи, уларнинг шуғулланаётган касб-ҳунарлари, умуман олганда, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи миллий тараққийпарварларнинг эътиборидан четда қолмади. Аёллар, ёшлар, болалар ва бошқа барча қатламларнинг кундалик турмуши жадиждларнинг янгича қарашлари орқали таҳлил қилинди.

Аҳолининг катта қисмини ташкил этган хотин-қизлар, уларнинг турмуш тарзи, сиёсий ҳуқуқлари, таълими, соғлиги ва ижтимоий аҳволи билан боғлиқ бошқа жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш бошланган. Хотин-қизлар турмушига муносабатни ўзгартириш, уларни илм-фанга жалб қилиш, аёллар тўғрисидаги Қуръони .карим ҳукмлари ва ҳадислар кўрсатмалари бузилишининг олдини олиш билан боғлиқлик ғоялар илгари сурилган. Абдурауф Фитратнинг “Мунозара (1908 йил)”, Абдулла Авлонийнинг “Адвокатлик осонми” (1914 йил), Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” асарларида таълим олиш ожизалар учун нақадар зарурлиги, Маҳмудхўжа Бехбудий эса “Ҳифзи сикҳати оила” рисоласида (1914 йил) қиз бола парвариши, унинг жисмини қандай саломат сақлаш лозимлиги, Фитратнинг “Оила” (1915) асарида аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва уларга муносабат, Ҳожи Муиннинг “Мазлума хотин” (1916) асарларида аёлларнинг турмуш тарзи ва уни ўзгартириш бўйича ислоҳатларнинг зарурлиги бадиий воситалар орқали ёритилган.

Абдурауф Фитрат “Оила ёки оила бошқариш тартиблари” асарида ўзи яшаган даврдаги аёлларнинг кундалик турмуши, эр-хотин муносабати ва уларнинг аҳвол-руҳияти ҳақида маълумот беради. “Мамлакатимиздаги хотинлар ҳар дақиқада қанчадан-қанча таҳқир ва жафоларга дучор бўлиб яшамоқдалар. Биз туркистонликлар ўз хотинларимизни одамият доирасидан ташқарида деб ўйлаймиз ва бечораларга одамга муомала қилгандек муомала

қилмаймиз. Хотинларимизни марҳаматга сазовор, инсофга лойиқ ва шафқатга ҳақли деб билмаймиз. Бизда хотинларни сўкиш фахр ва ғурур саналади, уриб майиб қилиш эркакчиликнинг фазилати деб ўйлаймиз”. Фитрат дунёвий ишларни бажаришда аёллар ва эркакларнинг ҳуқуқлари тенг эканлигини ҳам айтиб ўтади.

Аёллар турмуши масаласи ҳақида айна шу даврда Туркистонга турли мақсадларга келган рус ва инглиз муаллифларининг асарларида ҳам келтирилади. Уларни юқоридаги маълумотлар билан солиштириш ўринлидир. Масалан, Туркистон аҳолиси ичида яшаб, бу ердаги аҳоли турмуши билан танишган В. Наливкин ва М. Наливкиналар Қуръони каримда аёлларнинг ҳуқуқларига доир юқорида келтирилган фикрлар билдирилган бўлса-да, аслида бу даврда ўлка хотин-қизлари ҳуқуқсиз бир аҳволда бўлиб, уларнинг ҳаёти “ичкари” билан чегараланиб қолганлигини ёзади [9; 221].

Қори Раҳматуллоҳ Возеҳ “Ақоид ун-нисо” (Аёллар қоидалари) асарида жамиятдаги аёллар мавқеи, ижтимоий аҳволи ҳақида, аёлларнинг жамиятда тутган ўрни етарли даражада таъминланмаганлиги, уларнинг эркинлиги ўз кўлида эмаслиги, саводхонлик даражаси пастлиги ҳақида тўхталиб ўтгани таъкидланади [5; 150].

Абдулла Авлоний “Адвокатлик осонми” асарида аёлларга нисбатан оиладаги зўравонликка қарши ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ташкил қилиш бўйича ҳам маълумотлар учрайди. Унга кўра адвокатнинг олдига келган аёлга “эрингизни сизга жабр-зулм қилишига маҳаллангизни домла-имом, элликбошилари сизнинг тарафингиздан гувоҳлик берадиларми?” дея қилган мурожаатига аёл қозихонага борганда ҳаммаҳаллари эрининг тарафида бўлиб аёлни ҳимоя қилишга ҳеч ким бош қотирмаганлигини айтади. Адвокат аёлга “эрингиз урган вақтида икки кишини гувоҳ қилиб манга келинг, ман иложини қиламан” дея таклиф беради. бунга жавобан аёл бошидаги жароҳатни кўрсатганда адвокат унга касалхонага йўлланма ёзиб беришини ва шу асосда гувоҳнома олиб келинса, унинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун тегишли жойга ариза ёзиш мумкинлигини аёлга тушунтиради [1;139]. Шу

Ўринда адвокатнинг сўзи орқали келтирилган “бизда уй тарбияси бошлануб, хотин-қизларимизни илму маориф ила нурламағунча, бизнинг орамизда кўнгилсиз ҳоллар давом этса керак. Бундай кўнгилсиз ҳолларни йўқ қилмоқ учун бутун куч-қувватимизни хотин-қизларимизни ўқитмоқ, маориф ва маданият ила ошно қилмоқ йўлинда сарф қилмоғимиз лозим” каби мулоҳазалар мустамлака даври хотин-қизларининг ижтимоий ҳолатини кўрсатади.

Хотин-қизлар турмуши масаласига М.Бехбудий бир неча ёндашувларни ҳисобга олган ҳолатда баҳо беради. Булар аёлларни таълим ва маърифатдан четлатиш жамият тараққиётидаги асосий тўсиқ эканлиги, уларнинг ҳуқуқсизлиги оилавий ҳаётида ҳам, жамиятда ҳам зулм ва адолатсизликка олиб келиши, хотин-қизларни ўқитиш ва уларга эркинлик бериш келажак авлоднинг бахти ва жамият тараққиётини белгилаши кабилардан иборат.

Ғози Юнус ҳам матбуотдаги мақолаларида хотин-қизларнинг озодлиги, уларнинг ижтимоий турмушидаги кичкина ўзгаришлар борасида доимий ёзиб бориш кераклиги уларнинг турмушида ўзгариш бўлишига олиб келади деб ҳисоблайди. Шу ўринда Ғози Юнус Татаристон, Озарбойжондаги хотин-қизлар муаммолари ҳал қилинишини Бухоро, Хоразм ва Туркистон билан солиштириб беради. Татаристон ва Озарбойжонда хотин-қизлар маорифи эркакларники билан тенг кетаётганлиги, хотинлар бўлими ҳам яхши ишлаётганлиги, ушбу масаланинг ижобий томонга ҳал қилинишида ёшларнинг тинмасдан уларга ёрдам бериши ва матбуот ҳам улар ҳақида доимий ёзиб бораётганини Туркистонда эса “хотунлар ҳаракати эски даврдан ҳеч бир жилгани йўқ. Бизда хотун-қизлар турмушида, кун кечиришида ўзгариш ва илгари жилиш кўринмайдир” дея қайд этади [4].

Хотин-қизларнинг ижтимоий аҳволи, мавқеи, уларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқлари, таълим олиш ва меҳнат фаолияти билан боғлиқ қарама-қарши фикрлар ва қарашлар бу давр матбуотидан кенг ўрин олган. Жумладан, қизларнинг эрта турмушга узатилиши масаласига ҳам алоҳида

эътибор берила бошланди. Туркистонда босилиб чикқан расмий матбуот саҳифаларида ҳам шу масала юзасидан мақолалар чоп этилди. Чунончи, “Туркестанские ведомости” газетасида қизларни жуда эрта, яъни 12-14 ёшларида узатилаётгани танқид қилинади [10]. Қизларни бундай эрта узатиш тиббий томондан ҳам, қонун томондан ҳам мақсадга мувофиқ эмаслиги таъкидланади. Айни шу масалада Абдурауф Фитрат ҳам эрта оила қуриш нафақат қизларга, балки йигитларга ҳам тиббий томондан зарар етказишини шарҳлаган ҳолда ҳақимлар эркакларга 23 ва қизларга 18 ёшдан олдин турмуш қурмасликни тавсия қилади [2; 43-44].

Кўриб чиқиладиган ёшлар ва хотин-қизлар масаласини Ҳожи Муин ўзининг “Ёшларимиз ва қизлар тарбияси” номли мақоласида кўрсатиб беради. Унинг хотин-қизлар масаласидаги фикри қуйидагилардан иборат: “бизнинг ислом дини хотунларга ўзга динлардан кўброқ ҳуқуқ берган ва ҳурмат кўрсатган, илм ўрганишнинг қарзлиғини эркаклар билан баробар хотун-занларга фарз этган бўлса ҳам, лекин биз мусулмонлар, боҳусус, биз туркистонлилар неча замонлардан бери бу ҳақдаги ислом ҳукмларидан ва ислом таълимотидан кўз юмиб, хотинлар ҳуқуқини поймол этиб ва аларни ўзимизга асир ҳукминда юрутуб келмақдамиз. Ислом шариасти зарурат вақтиндагина талоқга руҳсат берган экан. Биз мусулмонлар шахсий ғаразларимиз ва фосид муддаоларимиз билан гуноҳсиз хотунларимизни сабабсиз талоқ қилиб юборамиз ва аларни тириклай қабрга тикамиз. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом барча муслим ва муслималарга илм ўрганишнинг фарзлиғини очик суратда билдирган экан. Бизлар ўз қизларимизни мактабга юбормай, чор девор орасинда ҳайвон қаторинда қамаб қўямиз ва аларни илму тарбия шарафиндан, дунё саодатиндан маҳрум этамиз” [13].

Боту “Турмушда хотин-қизлар” мақоласида дунё бўйича хотин-қизларнинг турмуши, ҳуқуқсизликлари, қадимдан то XX аср бошларигача бўлган даврларда аёлларга қилинган адолатсизликлар ҳақида сўз юритилади [3;142–146].

Ёшлар масаласи дастлаб М.Бехбудий томонидан алоҳида ҳал қилиниши керак бўлган муаммо сифатида кўтарилади. У Туркистон ёшларининг фаолияти ҳақида “бизни Туркистон ва Бухорода бир синф мухтарам ёшлар мавжуддурки, ҳукумат маҳкамаларинда тижоратхона, бонка ва корхоналарга котиб, таржимон, молфуруш ва далоллик ёинки насячинлик ила машғулдурлар ва бу синф аҳлининг адади бугун Бухоро ва Туркистонда мингларчадур” [7;169–170].

Шу билан бирга М.Бехбудий ўз даврида ёшларнинг ҳаракатларини “ҳар бир мамлакатда ислоҳот ва маданият асбобиға тавассул ва ташаббус этмоқлик ҳаракати у мамлакатнинг ёшлари тарафидан зухур эта бошлагани каби, бизнинг Туркистонда ҳам маданият эшиги манзаласида бўлган макотиби ибтидоийя ила интибоҳ ва ислоҳот жарчиси бўлган миллий матбуот ғайратлу ёшларнинг ҳаракоти маорифпарвароналари соясида вужудга келди” дея эътироф этади [8;177].

Ёшлар томонидан амалга оширилаётган ишларни кўрсатиб, М.Бехбудий “Ёшларнинг очган “исломий қулуби” ҳар кун уламо, савдогар ва аҳди касабадан бир неча дафъа тўлуб, бўшолуб эди, ишлар яхши кетар эди, умидлар қавий (кучли – *Г.О.*) эди. Ояндамизнинг яхши бўлушини истидолар қилур эдук. Аммо ишлар ва иттифоклар узоқға сурилмади. Бир неча тажрибасиз ва тез ҳаракат ёшлар, бир-икки нафар нафсониятға ботган ва ўлгунча тузолмайтурғон кишилар қадима иғво ва фасодни ўртаға солдилар, натижада Самарқанд халқи иккиға бўлунди. Балки икки эмас, юзға бўлунуб, халқнинг қўнгли совуб, баъзиларининг сўз ва ҳаракатларидан нафратланиб, тарқалиб кетдилар” [8;208].

Ёшлар масаласида Туркистоннинг турли ҳудудлари бўйлаб ўрганишлари натижасида Убайдулла Хўжаев қуйидаги фикрларни билдиради: “Ёшлар орасида мустақил фикрли, фидокор, хейли ғайратли зотлар кўриладур. Бу жиҳатдин қарағанда Хўқанд Туркистонда биринчи деб айтсак хато бўлмас. Андижоннинг ўзидан тараққийпарварлар йўқ даражада оз, янги фикрли миллатпарвар ёшлар ҳам жуда камдир. Ҳозирда ундаги

маорифпарвар зотлару бўлгон қадар маорифпарвар зотлар ва бўлгон қадар умидли ёшларнинг кўпроғи тошкандликлар” [11].

Ҳамза Ҳакимзода XX асрнинг бошида турли сабаблар билан таълимга камраб олинмаган ёшлар масаласини кўтаради. Унинг қайд этишича, ўқишнинг ойлик тўловини тўлаб ўқишга қурби етмаган камбағал болалар кўчаларда сарсон бўлиб, ёш умрларини бекорчиликда ўтказишган. Асарда муаллиф каттароқ ёшдагилари самоварчига чилимдор, беданабардор, хунуқроқлари избошчи, қоровул, бир оз силлиғроқлари ўзларини тузатиб бесоқол ва жавонлик каби “энг биринчи даражадаги ҳаётнинг ҳавоти ва ифбат ва номусдин ва диёнат каби исломиятнинг аввалги синфиндаги заруриятлардан бутун хабарсиз охири зил ва разолатга гирифтор бўлатурғон амалларга” ўрганиб қолаётганлигини келтиради [12; 243]. Кичикроқ ёшдаги болалар эса “ёнғоқ, фатфарақ, даста чикалдак каби ажални комидаги лаъблар” билан умрини ўтказиб катта бўлгач, юқоридаги каби ишлар билан шуғуланган.

Ушбу муаммоларнинг ечими сифатида, ёшларнинг бандлиги учун зарур чораларни кўриш мақсадида Ҳамза Ҳакимзода ечим сифатида пулсиз бўлса ҳам бир илож қилиб ёшларни ўқитиш чораларини кўришга чақирган.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон тараққийпарварлари ўлкани ривожлантириш ва мусталақа зулмидан озод қилишда асосий масала сифатида ёшлар ва хотин-қизларни кўради. Шу сабабли ҳам ўз асарларида бу қатлам вакилларининг кундалик турмушини очикчасига акс эттириб, бу орқали мавжуд муаммоларни бартараф қилиш масаласини кўтаради. Матбуот саҳифаларида эълон қилинган мақолаларда ёки театр саҳналари учун ёзилган бадиий асарларнинг барчасида ёшлар ва аёллар масаласи кун тартибига чиқади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Авлоний, Абдулла. Адвокатлик осонми? Танланган асарлар. 2-жилд. – Тошкент, 2006.

2. Фитрат, Абдурауф. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. – Тошкент, 2000.
3. Боту. Турмушда хотин-қизлар. Танланган асарлар. – Тошкент, 2020.
4. Ғози Юнус. Хотин-қизлар маорифи // Туркистон, 1923 йил 3 октябр, 180-сон.
5. Қори Раҳматуллоҳ Возех. Ақоид ун-нисо. ЎзР ФА ШИ. Тошбосма фонди. Рақами 94.
6. Бехбудий, Маҳмудхўжа. Мухтарам самарқандийларга холисона арз. Танланган асарлар. – Тошкент, 2006.
7. Бехбудий, Маҳмудхўжа. Ёшларга мурожаат. Танланган асарлар. – Тошкент, 2006.
8. Бехбудий, Маҳмудхўжа. Мухтарам ёшларга мурожаат. Танланган асарлар. – Тошкент, 2006.
9. Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. – Казань: Типография императорского Университета, 1886.
10. Ранние браки у туземцев // Туркестанские Ведомости, 1899. 8-сон.
11. Убайдуллоҳ. Турли ўринларда // “Садойи Туркистон” газетаси. 1915 йил 7 феврал, 58-сон.
12. Ҳамза Ҳакимзода. Мактаби дор ул айтом. Тўла асарлар тўплами. 4-жилд. – Тошкент, 1989.
13. Ҳожи Муин. Ёшларимиз ва қизлар тарбияси // Меҳнаткашлар товуши, 1918 йил 28 июн.